

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

INSTYLAN (Инстилан) интравезикал юбориш учун гиалурон кислота асосидаги стерил эритма

Таърифи

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) рангсиз, тиниқ, стерил, ҳайвонлардан олинмайдиган гиалурон кислотасининг қовушқоқ гел, физиологик рН билан.

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) сийдик пуфаги уротелияси ва уретра хужайралараро модданинг қовушқоқ эластик протектори ҳисобланади..

Ўрам таркиби

Уретрал катетер учун учлиги билан полимер пакет картон қутида.

Таркиби:

Интравезикал юбориш учун гиалурон кислотаси асосидаги 0,16% ли INSTYLAN (ИНСТИЛАН) 50 ml (мл) стерил эритма қуидагиларни сақлайди:

Гиалуронат натрия..... 80 mg (мг)

Фосфатли буфер рН 7,3..... 50 ml (мл) гача

Қўлланилиши

- Гликозаминогликанлар (ГАГ) қаватининг танқислиги ва сийдик пуфагининг шиллиқ қаватини турли инвазив муолажалардан кейин (цистоскопия, простата безининг трансуретрал резекцияси (ТУР), уретероскопия ва бош.) ҳимоя қобиғини тиклаш учун.
- Қайталанувчи бактериал цистит.
- Интерстициал цистит.
- Оғрикли сийдик пуфаги синдроми.
- Геморрагик цистит.
- Радиацион (нурли) цистит.
- Кимётерапевтик препаратлар билан инфекцияланган цистит.

Таъсир механизми

Гиалурон кислотаси организмнинг барча тўқималар таркибига киради ва хужайралараро матрикснинг муҳим компоненти ҳисобланади ва сийдик пуфаги ва уретканинг (сийдик чиқариш канали) гликозаминогликан уротелиясининг муҳим улушини ташкил қилади.

Сийдик пуфагига юборилганда уротелия юзасида шиллиқ қават юзасини қўзғатувчи ва шикастловчи омиллардан ҳимоя қилувчи табиийга ўхшаш қовушқоқ эластик плёнка ҳосил қилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Эритма компонентларига юқори сезувчанлик.
- Ҳомиладорлик ва лактация даври.
- Болалар ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар.

Қўллаш усули

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) фақат сийдик пуфагига инстиляция учун мўлжалланган. Ушбу муолажани махсус малакаси ва тиббий маълумотга эга мутахассис сийдик пуфагини катетеризация қилишнинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариши лозим.

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) пуфак ичига, бир ҳафтада бир маротаба юборилади. Курс 4 инстиляциядан 12 инстиляциягачани ташкил қилади. Қўллашдан олдин эритмали пакетни тана ҳароратигача иситиш керак.

Эритма тана ҳароратигача иситилганда пациентда дискомфорт ҳисси камаяди. Ушбу муолажа фақат қуруқ иссиқ (масалан, грелка-ёситиқчалар ёки иситувчи пластинкалар) дан фойдаланганда ўтказиш керак.

Ифлосланиш хавфи юқори бўлганлиги сабабли эритмани сувда иситиш мумкин эмас. Полимер пакетни шикастланиш хавфидан ва пациентни дискосфорт ёки шикастланишидан сақланиш учун эритмаларни микротўлқинли печда иситиш мумкин эмас.

Барча муолажаларни қатъий асептика қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш керак.

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) ни юборишдан олдин сийдик пуфагини бўшатиш керак.

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) сийдик пуфаги бўшлиғига урологик катетер ёрдамида юборилади. Эритма юборилганидан кейин катетер олиб ташланади. Эритмани сийдик пуфаги бўшлиғида тавсия этилган ушлаб туриш вақти 30 минутдан 2 соатгачани ташкил қилади. Ундан кейин сийдик пуфагини физиологик йўл билан бўшатиш тавсия этилади.

Ножўя таъсирлари

Аниқланмаган.

Муолажа вақтида ҳар қандай ноодатий симптомлар (бош айланиши, аллергия реакциялар) юзага келса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Огоҳлантириш чоралари

INSTYLAN (ИНСТИЛАН) фақат сийдик пуфаги бўшлиғига урологик катетер ёрдамида юбориш учун мўлжалланган.

Фойдаланишдан олдин пакетнинг бутлигини ва герметиклигини текширинг.

Тиббий буюмнинг индивидуал ўрами бутлиги бузилган бўлса ва яроқлилик муддати тугаган бўлса фойдаланманг.

Буюм фақат бир маротаба қўллаш учун мўлжалланган.

Ишлатилмаган материалларни, чиқиндиларни маҳаллий утилизация қилиш қоидаларига мувофиқ утилизация қилинади

Яроқлилик муддати: 2 йил.

Сақлаш шароити

+5°C дан +30°C гача бўлган ҳароратда, қуёш нурларидан ҳимояланган жойда сақлансин. Музлатилмасин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

«Юрия-фарм» МЧЖ, Украина, 03038, Киев ш., Н. Амосов кўч., 10.

Тел.: +38 (044) 275-92-42, +38 (044) 275-01-08 www.uf.ua

Ишлаб чиқариш манзили: Украина, 18030, Черкасси ш., Кобзарская кўч., 108.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

«Юрия-Фарм» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус куча 71 уй.

Тел.: 78 150 71 00.

Графические символы и их разъяснение	
	THE SYMBOL OF METHOD OF STERILIZATION, DURING WHICH STEAM IS USED/СТЕРИЛЛАШ УСУЛИ, СТЕРИЛЛАШДА ПАР ЁКИ ҚУРУҚ ИССИҚЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ, СТЕРИЛ ТИББИЙ БУЮМ ВА БИРЛАМЧИ ҚАДОҚ

	STERILE FLUID PATH/СТЕРИЛ СУЮҚЛИК ТРАЕКТОРИЯСИ
	DO NOT RE-USE/ТАҚРОП СТЕРИЛЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ
	CONSULT INSTRUCTION FOR USE/ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА БИЛАН ТАНИШИЛСИН
	MANUFACTURER/ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
	TEMPERATURE LIMIT/ҲАРОРАТ ЧЕКЛАНИШИ
	DATE OF MANUFACTURE/ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНАСИ
	USE-BY DATE/ ГАЧА ҚЎЛЛАНИЛСИН
партія 	BATCH CODE/ПАРТИЯ КОДИ
	ТИББИЙ БУЮМЛАР УЧУН ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТГА МУВОФИҚЛИГИ ВА ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ҚЎМИТАСИНING МУВОФИҚЛИК БЕЛГИСИ